

Ўзбекистон Республикаси номидан  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Ховос тумани

2023 йил 26 июнь

Боёвут туманлараро иқтисодий суди, судья Ў.Йўлдошев раислигида, судья ёрдамчиси М.Сарибаеванинг котиблигида, даъвогар вакиллари ААА ва ППП (22.06.2023 йилдаги №06/146-сонли ишончнома асосида) жавобгар раҳбари МММ иштирокида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ТТТнинг ИИИбанк манфаатида жавобгар «Фаррух Абдуллох» хусусий корхонасидан 849 024 192 сўм муддатли асосий кредит шундан муддати ўтган 396 643 244 сўм кредит қарзи ва 110 977 859 сўм фоиз қарзини ундириш, ундирувни қўшимча жавобгар «ЛЛЛ» хусусий корхонасига тегишли гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан иқтисодий ишни ўз биносида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ТТТ ИИИбанк манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «Фаррух Абдуллох» хусусий корхонасидан 849 024 192 сўм муддатли асосий кредит шундан муддати ўтган 396 643 244 сўм кредит қарзи ва 110 977 859 сўм фоиз қарзини ундириш, ундирувни қўшимча жавобгар «ЛЛЛ» хусусий корхонасига тегишли гаров мулкига қаратишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакиллари даъво талабларини қувватлаб, кредит шартномасига асосан қайтариш мажбуриятига риоя қилмагани натижасида қарздорлик вужудга келгани ва қўшимча жавобгарнинг мулки гаровга қўйилганини билдириб, даъво талабларини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар раҳбари даъвога эътирози йўқлиги, кредитни шериги билан бирга олгани, ҳозирги кунда шеригига айнан ушбу кредит билан боғлиқ масала бўйича жиноят иши кўрилаётганини билдириб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд мажлисида қўшимча жавобгар ва палата вакиллари иштирок этмади, даъво аризада ишни палата иштирокисиз кўриш сўралган, лекин судга қўшимча жавобгарнинг суд мажлисига келмаслик сабаби маълум қилинмади, ушбу ҳолатда суд ишни ИПК 170-моддасига асосан палата иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида 2020 йил 21 декабрда №41-сонли кредит шартномаси имзоланиб, шартномага асосан даъвогар жавобгарга, 48 ой муддатга, 6 ой имтиёзли давр билан, йиллик 20% фоиз тўлаш шarti билан жами 1 000 000 000 сўм кредит бериш, жавобгар ўз навбатида кредит ва ҳисобланган фоизларни тасдиқланган график асосида қайтариш мажбуриятини олган ва жавобгарга 2021 йил январдан 9 сентябрга қадар жами 912 000 000 сўм кредит берилган.

Тадбиркорларни қўллаб қувватлаш жамғармаси, банк ва жавобгар иштирокида 2020 йил 10 декабрда кредит бўйича йиллик 5% компенсация тўлаб бериш бўйича №2020/С-14116-сонли шартнома имзоланиб, шартноманинг 2.3.-бандида асосий кредит бўйича қарздорлик 90 кундан ошганда компенсация бериш тўхталиши белгиланган.

Шунингдек кредит мажбуриятининг таъминоти сифатида 2020 йил 24 декабрдаги ипотека шартномасига асосан қўшимча жавобгар «ЛЛЛ» хусусий корхонасига тегишли Сирдарё вилояти, Боёвут туман, Боёвут шаҳарчаси, Фарход маҳалласи, Машғал кўчаси ҳудудида жойлашган қурилиш майдони 453,72 кв.м,

фойдали майдони 387,98 кв.метрдан иборат, 0001 литерда жойлашган чойхона биноси гаровга қўйилган.

Жавобгар шартнома мажбуриятларига амал қилмаганлиги, кредит ва фоизлар қайтариш муддати ва миқдорида тўлаб берилмаганлиги натижасида палата судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгардан 2023 йил май ҳолатига кредитдан вужудга келган қарздорликни ундиришни ва ундирувни гаров мулкига қаратишни сўраган.

ФК 744-моддасига асосан кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги №13/150-сонли қарорида тушунтириш берилган.

Суд, даъвогар вакилининг тушунтиришлари ва судга тақдим этган ҳужжатларга асосан даъво ариза важлари тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Хусусан кредитни қайтариш графигига кўра, 2021 йил 5 январдан фақат фоиз тўланиши лозим бўлиб, 2021 йил 5 июлдан бошлаб фоиз билан бирга асосий кредит тўланиши лозим бўлиб, асосий кредит ойига 23 809 523,81 сўмдан қайтарилиши лозим.

График 1 000 000 000 сўмга тасдиқланган бўлиб, асосий кредит ва фоизларни қайтариш кредитга мос равишда тасдиқланган, лекин 912 000 000 сўм кредит берилганлиги сабабли қарздорликни график асосида аниқлаш имкони йўқ.

Банк айланма ҳужжатларига асосан асосий кредит бўйича жами 62 975 808 сўм тўланган бўлиб, 849 024 192 сўм қолган, шундан даъво аризада кўрсатилишича муддати ўтган қисми 396 643 244 сўмни ва қолган 452 380 948 сўм муддати келмаган асосий кредитни ташкил қилади.

2023 йил май ойига қадар жами 249 407 955 сўм фоиз тўланиб, 110 977 859 сўм фоиз тўланмасдан қолган.

Жавобгар раҳбари даъвога нисбатан эътирози йўқлигини ва тақдим этилган ҳужжатлар асослилигини билдирди.

Суд, даъво ариза важлари иш ҳужжатлари, банк кўчирма ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар асосида ўз тасдиғини топган деб ҳисоблаб, жавобгардан 849 024 192 сўм муддатли асосий кредит (шундан муддати ўтган 396 643 244 сўм) ва 110 977 859 сўм фоиз қарзини ундиришни лозим топади.

Шунингдек даъво талабида ундирувни қўшимча жавобгарга тегишли гаров мулкига қаратиш сўралган.

Кредит таъминоти сифатида тарафлар ўртасида 2020 йил 24 декабрдаги ипотека шартномасига асосан қўшимча жавобгар «ЛЛЛ» хусусий корхонасига тегишли Сирдарё вилояти, Боёвут туман, Боёвут шаҳарчаси, Фарход маҳалласи, Машғал кўчаси ҳудудида жойлашган қурилиш майдони 453,72 кв.м, фойдали майдони 387,98 кв.метрдан иборат, 0001 литерда жойлашган чойхона биноси гаровга қўйилган.

Фуқаролик кодексининг 279-моддасига кўра, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин, 280-моддасига кўра, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган қўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 22.12.2006 йилдаги №13/150-сонли қарорининг 23, 24-бандларида тушунтириш берилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасида гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин, деб белгиланган ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарорида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолатда суд, даъво аризанинг ундирувни гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги талаби ҳам иш ҳужжатлари билан тасдиқланган деб ҳисоблаб, даъво талабининг ушбу қисмини тўлиқ қаноатлантиришни топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасига асосан даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда 19 200 041,02 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати тўловини жавобгар зиммасига юклашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118, 176-179-моддаларини қўллаб, суд

#### **қ а р о р қ и л д и :**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ТТТнинг ИИИбанк манфаатида жавобгар «Фаррух Абдуллоҳ» хусусий корхонасидан 849 024 192 сўм муддатли асосий кредит шундан муддати ўтган 396 643 244 сўм кредит қарзи ва 110 977 859 сўм фоиз қарзини ундириш, ундирувни қўшимча жавобгар «ЛЛЛ» хусусий корхонасига тегишли гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар «Фаррух Абдуллоҳ» хусусий корхонасидан даъвогар ИИИбанк фойдасига 849 024 192 сўм муддатли асосий кредит (шундан муддати ўтган 396 643 244 сўм), 110 977 859 сўм фоиз ва **33 000 сўм почта харажати** ундирилсин.

Ундирув қўшимча жавобгар «ЛЛЛ» хусусий корхонасига тегишли Сирдарё вилояти, Боёвут туман, Боёвут шаҳарчаси, Фарход маҳалласи, Машъал кўчаси ҳудудида жойлашган қурилиш майдони 453,72 кв.м, фойдали майдони 387,98 кв.метрдан иборат, 0001 литерда жойлашган чойхона биносига қаратилсин.

Жавобгар «Фаррух Абдуллоҳ» хусусий корхонасидан Республика Бюджетига 19 200 041,02 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф, бир ой муддат ичида шу суд орқали Сирдарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

Ў.Йўлдошев